

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

634 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сон қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2017 йил 29 июнь,
138-сон

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 июнь,
86-сон

27 (787)-сон

— 175 —

634-модда

Ташқи савдо вазири**Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 29 июнь,
2017/04-11-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. ТОХИРИЙ**

Тошкент ш.,
2017 йил 29 июнь,
01-02/8-28-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона
қўмитасининг 2017 йил 29 июндаги 138, 86,
2017/04-11 ва 01-02/8-28-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда
импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан
озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

1. 27-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	27.	8429 (қуввати 200 от кучидан кам бўлган бошқа гусеничали бульдозерлар — 8429 11 009 0; ковшининг ҳажми 5 метр кубдан кам бўлган бошқа фронтал бир ковшли юк ортувчилар — 8429 51 990 0, ковши ҳажми 2 метр кубдан кам бўлган бошқа гусеничали экскаваторлар — 8429 52 100 9, ковши ҳажми 5 метр кубдан кам бўлган бошқа тўлиқ айланма машиналар — 8429 52 900 0 дан ташқари)	Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдер- лар, режалаштирувчи ўзиюрар йўл катоклари	».
---	-----	---	---	----

2. 82-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	82.	8704 10 102 0***, 8704 21 100 0, 8704 23 910 1,	Юк ташиш ва махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари
---	-----	---	--

	8704 23 910 2, 8704 31 100 0 Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган 8705 (юк кўтариш қобилияти 25 тн гача бўлган автокранлардан ташқари ТИФ ТН коди 8705 10 009 0) Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган	».
--	--	----

3. Қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:
«*** Экологик класс стандартлари қўлланилмайди.».